

Инсон шаъни ва кадр-қиммати муқаддасдир унга дахл қилиш қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

Юртимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланиши Конституциямиз ҳамда амалдаги қонунларимиз асосида кафолатлаб қўйилган. Пировардида ҳар бир фуқаро эмин-эркин яшаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш сингари ҳуқуқларидан кенг фойдаланмоқдаки, бу турмушимизнинг ободлиги ва фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Бироқ ҳаётда яратилган кенг кўламли имконият ва шарт-шароитларни суистеъмол қиладиган, чиркин ва нопок қилмишга қўл уриб, мўмай даромад орттиришни кўзлайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Шундай нопок қилмишлардан бири одам савдоси жинояти шахсининг шаъни, кадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда унинг келажагини жиддий хавф остида қолдириши билан ўта хавfli жиноят ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунё миқёсида ҳар йили 2 миллион 700 минг нафар шахс одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Дунё миқёсида йилига 600 мингдан 800 минг нафаргача аёллар ва болалар алдов йўли билан хорижий давлатларга олиб кетилиб, катта маблағ эвазига сотиб юборилмоқда.

Айтиш керакки, мамлакатимизда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, одам савдосидек қабиҳ қилмишга тўлиқ барҳам бериш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мамлакатимиз томонидан 2003 йил 12 декабрда БМТнинг "Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликда фойдаланишга қарши кураш тўғрисида"ги, "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги конвенциялар ратификация қилинди. Ёзбекистон ушбу халқаро ҳужжатлар талабидан келиб чиқиб, ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ бажариб келмоқда. Шунингдек, бу борада 2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги, 2008 йил 29 августда "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. 2009 йил 24 ноябрда Олий суд Пленуми томонидан қабул қилинган "Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарор бу борада муҳим ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро Республика комиссиясининг ташкил этилиши юртимизда ушбу жиноятчиликка қарши курашишда ўз самарасини бермоқда. Одам савдосидан жабрланганларга тиббий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган республика реабилитация марказининг изчил фаолияти ҳам бу фикрнинг амалий тасдиғидир. Эндиликда мазкур марказ томонидан одам савдосининг чиркин домига тушиб қолган шахсларни бепул даволаш, уларга юридик ёрдам кўрсатиш сингари хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Кези келганда яна шуни айтиш жоизки, судлар томонидан одам савдосидек қабих қилмишга қўл урган кимсаларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда.

Масалан, жабрланувчи Фазлиддин Қаюмов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам одам савдоси жиноятдан жабр чекканлардан бири саналади. Гап шундаки, у кунлардан бирида тенгдоши К.Жаниев билан танишиб қолади. Бир куни К.Жаниев Фазлиддинга отаси хорижда ишлаётгани, агар дўстинг билан бирга келсанг, ишга жойлаштириб қўяман, деб хабар қилганини айтади.

Шундан сўнг К.Жаниев Фазлиддиннинг ота-онасига ҳам хорижда яхши ҳақ тўлайдиган иш борлигини, отаси ёрдам беришини айтarkan, ўғлингиз ишлаб, иш ҳақини тўлиқ олиб, соғ-саломат қайтиб келишига мен кафолат бераман, дея уларни ишонтиради.

Шундан сўнг улар хорижга йўл олишади. Буни қарангки, ўзга юртга келгач, Ф.Қаюмовнинг ўйлаганлари сароб бўлиб чиқади.

Авалло К.Жаниевнинг отаси Шоназар Жаниев унинг фуқаролик паспортини олиб қўяди ва 2012 йилнинг 21 январидан 15 февралига қадар эрталаб соат тўққиздан кеч соат йигирма бирга қадар мажбурий меҳнатга жалб қилади.

Фазлиддин ўзи ишлатаётган одамлардан иш ҳақини талаб қилганда, "биз сенга иш ҳақи беролмаймиз, уни Шоназардан сўрайсан", деган жавобни эшитади.

Шундан сўнг Фазлиддин Ш.Жаниевдан иш ҳақи билан фуқаролик паспортини беришни талаб қилганда, у ҳақорат қилгани етмагандек, аёвсиз дўппослайди ҳам. Қисқаси, Ф.Қаюмов кўп азоб-уқубатларни бошидан кечириб уйига қайтиб келади ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза билан мурожаат этади.

Биринчи босқич суди судланувчи Ш.Жаниевни Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми "а", "е", "з", "и" бандлари билан айбдор деб топди ва уни беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Шунингдек, жабрланувчи Ф.Қаюмовга Ш.Жаниевдан моддий зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Айтиш керакки, одам савдоси жиноятига қўл урган, жабрланувчини алдаб, зўрлик ишлатиб, қўрқитиш орқали мажбурий меҳнатга жалб қилган Ш.Жаниев қилмишига яраша қонун олдида жавоб берди.

Албатта, бу воқеа ҳақида фикр юритганда, Ф.Қаюмовнинг содда ва ишонувчанлиги ўзига панд берганини қайд этиш жоиз. Холбуки, у алдовга учмай амалдаги тартиб-қоидаларга риоя этганида бошига бу ташвишлар тушмасди.

Кези келганда шуни қайд этиш керакки, юртимизда хорижий давлатларга чиқиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик фаолияти юритишнинг қонуний асослари яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига илова қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисида"ги Низомда "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хусусий меҳнат фаолиятини амалга оширишлари учун чет элларга фақат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича чиқиш ҳуқуқига эгадирлар" деб белгилаб қўйилган. Ушбу тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этган киши хорижда ҳам давлатимизнинг ҳимоясида бўлади.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилаётган экан, қонун талабидан келиб чиқиб фаолият юритиш ҳар биримизнинг бурчимиз саналади. Зеро, қонунга таяниб иш юритган киши ҳеч қачон адашмайди. Бунини унутмаслик керак.

Рустам АБДУЛЛАЕВ,

жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти

судининг раиси

Абдухамид

ХУДОЙБЕРДИЕВ,

"Куч — адолатда" мухбири